



**ОГАХИЙ ТАРЖИМАСИДАГИ “ГУЛИСТОН” АСАРИ
ҚҮЛЁЗМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

Ахатов Илхомжон Ниматуллаевич

*Алфраганус университети Халқаро муносабатлар
ва тарих кафедраси ўқитувчиси*

“Гулистан” даги ихчам ва сермазмун, ҳикмат ва фалсафага бой ҳикоялар наср ва назмдан иборат омихта бир тилда яратилган. Саъдий асарига кирган ҳикояларни ҳикматли сўзлар билан бойитишга ва таъсирчан қилишга интилар экан саъж санъатидан фойдаланган эди. У асарнинг насрый қисмини саъжли нутқ билан ёзиб, кейин шеърий нутққа мурожаат этиш орқали “Гулистан” нинг ғоявий –емотсионал кучини бениҳоя оширишга эришган эди.

Огахийнинг Саъдий “Гулистан”идаги муҳим услуг хусусиятини саъжни таржимада беришида ҳам кўринади оламиз. Буни тасдиқлаш учун Комилов 2 та мисол бериб ўтади.

“Филжумла, подшоҳнинг таъбиға мақбул *тушиди* ва улуг мансабларға етишди, нединким хирадмандлар дебдурлар: Тавонгарлик ҳунар била бўлур ва *молу талаши* била бўлмас, улуғлик ақл била бўлур, *жуссаву* ёш била бўлмас⁷²; Ожиз раиятға лутфу марҳамат қил, то қаву душмандин *зўру заҳмат* кўрмагайсан⁷³. Бу таржималарнинг асл нусхаси қуйидагича:

“Филжумла, мақбули назари султон омад, ки *чамоли* сурату *камоли* маъни дошт ва ҳукамо гуфтанд:” Тавонгари ба ҳунар аст, на *бамол* ва бузургай ба ақл аст, на ба сол”,⁷⁴ “Бар раияти заиф раҳмат кун, то аз душмани қавй заҳмат набини⁷⁵.

Биринчи гапда асл нусхада сифатлар қофиядош бўлиб келган: *жас-мол-камол*. Булар вазни teng, тўла қофиядош сўзлар бўлиб, саъжнинг мутавози турига тааллуқлидир. Огахий жумласида сифат аниқловчилар эмас, балки феъл кесимлар ўзаро қофияланган *тушити-етушити*. Бу сўзлар қофиядошлик жиҳатидан тўла оҳангдош бўлсада, бироқ вазн жиҳатидан teng эмас. Бундай саъжлар классик адабиётда мутарраф саъж деб аталади. Демак, таржимон асл нусхадаги бир саъж турини унинг иккинчи тури билан алмаштириб берган, дейди Нажмиддин Комилов.

Матннинг иккинчи жумласида қофияли сўзлар Саъдий сўзларининг айнан таржимаси бўлиб бу саъж ўз тури билан ҳам асл нусхага мосдир. *Ба мол – ба сол* – отлардан иборат мутавози саъж отлардан тузилган муравози саъжмолу *талаши* – *жуссаву ёш* билан ағдарилган. Бунда фарқ шуки, асл нусхада қофиядош сўзлар

⁷² گلستان سعدی. Огахий таржимаси. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 899-инвентар рақами остида. – Б. 32.

⁷³ Ўша асарда, Б. 42.

⁷⁴ Саъдий Гулустон Р.М Алимов тайёрлаган илмий-танқидий матн, 1959.-Б. 48

⁷⁵ Ўша асарда, Б. 58





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIU TAFAKKUR VA INNOVATION G'OLALAR



биттадан бўлса таржимада улар жуфт-жуфт келтирилган. Бунинг сабаби бор: форсча **шаш** сўзи ўзбекчада ёши маъносида келган. Унга қофиядош **шаш** сўзи эса, ўзбекчага **мол** деб таржима қилинади. Улар ўзаро қофияланмайди. Шунинг учун шоир **мол** сўзининг ёнига **талош** ни илова қилган. Бу сўзниг маъноси “Гиёсул лугот” да кўрсатилишича, саъю интилиш⁷⁶ бўлса ҳам лекин унинг асли **талаш** сўзи бўлиб, бу сўз феодализм жамиятида шоҳ ва амалдорларнинг босқинчилик, талончиликларини ифодалайди. Улар мол дунёни анашундай талашлар билан йикқанлар. Натижада **талош** (**талаш**) сўзи мол сўзига маънодош бўлиб қолган. Бироқ энди ёш ва мо-лу талош сўзлари ўзаро қофиядош бўлгани билан улар вазн жиҳатидан бир бирига teng эмас. Ваҳоланки, жумланинг асл нусхадаги интонатсияси, хикматона тузилишини сақлаб қолиш учун мусажжа сўзлар вазн эътибори билан ҳам мос бўлиши лозим. Шу мақсадда Оғаҳий **ёши** сўзини ҳам **жусавву** ёш деб келтирган. “Жусса” сўзини у жуда ўринли ишлатган. Дарҳақиқат, ҳалқ одамларни жусса (гавда) ва ёшига қараб эмас, балки ақл идрокига қараб баҳолайди. “Ақл ёшда эмас бошда” мақоли ҳам шу заминда пайдо бўлган.

Кейинги парчада ҳам таржимон асл нусхадаги **раҳмат** ва **захмат** сўзларини **лутфу марҳамат** ва **зўру заҳмат** тарзида ўгириб, шу мақсадни кўзлаган. Зўр сўзи бу жумлада **захмат** сўзига оҳангдош бўлиб, у нутқ тароватини янада оширади.

Сажъ кўп асрлик адабиётимизда бадиий усул сифатида кенг кўлланиб келган бўлса-да, форс-тоҷик тилида яратилган мусажжа матнларни ўзбекчага айлантириш таржимондан катта маҳорат талаб қиласи. Бунинг устига, Саъдий насридаги саъж жуда мураккаб тузилган бўлиб, унинг қофиялари жумлалардаги гап бўлакларининг тартиби билан, қўшма гапларда эса, бириккан содда гапларнинг тарзи билан боғлиқ ҳолда улардаги асосий маънони ифодалаб келади. Борди-ю, бу сўзлар бошқа қофиясиз сўзлар билан алмаштирилса, жумланинг ихчамлиги, жарангдорлиги ёқолади. Ваҳоланки, “Гулистан”да шундай ҳикоялар борки, уларнинг насрий қисми бошдан оёқ қофиялидир. Бу нарсани таржимада бермаслик эса, Саъдий услубининг муҳим бир томонини эътибордан четда қолдириш бўларди.

Оғаҳий ҳамма ҳикояларда бўлмаса-да, аксарият ўринларда “Гулистан” саъжини ўзбек тилига зўр санъаткорлик билан ўгириб, бу ажойиб асарнинг нафосатини сақлашнинг уддасидан чиқсан. Буни бир неча мисол орқали кўриб чиқамиз:

“Хушсоле дар Искандария падид омад, чунонки инони тоқати дарвеш аз даст рафта буд ва дарҳои осмон бар замин баста ва фарёди аҳли замин ба осмон пайваста”⁷⁷.

“Искандарияда бир йил андоқ қахат балоси воқе бўлдиким, ҳалойиқнинг тоқати инони илкларидан кетти ва осмон ёмгуру эшикларин ер юзига беркитти ва даҳҳр аҳлининг фарёди осмон авжига етти”⁷⁸.

⁷⁶ Гиёс ул лугот. – Когон нашри. – Б. 187.

⁷⁷ Саъдий. Гулистан / Р.М. Алиев тайёрланган танқидий матн. – Т., 2008. – В. 200.

⁷⁸ Ўша жойда.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILY TAFAKKUR VA INNOVATION G'YALAR



Қурғоқчилик оқибатида камбағаллар бошига тушган оғир мусибатни ифодаловчи бу ниҳоят қисқа ва аниқ тасвирда асл нусхадаги қофияли сўзларнинг лугавий маъноси аниқ эквивалентлари билан ағдарилиб соф ўзбекча чиройли саъж ҳосил қилинган.

Қофияли сўзлар мураккаб жумлаларда эга, кесим, иккинчи даражали бўлаклар билан биргаликда бир гапда кетма-кет келиши ҳам мумкин:

“Маваддати аҳли *сафо*, чи *дар рӯю* чи *дар қафо*, чунон к-аз паст айб *гиранду* дар *миранд* :

در برایر چو کوسفند سلیم در قفا همچو کورکی مردمهار⁷⁹

Бу гапда иккита саъж бор. Биринчisi эга (*аҳли сафо*), иккинчиси равиш – (*қафо*).

Оғаҳий гапни иккига бўлиб, унинг биринчи қисмини эга-кесимли тўлиқ гапга айлантиради. Ва мусажжа сўзларни тўлдирувчи сифатида ёнма-ён қўяди.

“Сафо аҳлининг маваддату ошнолики кишининг *юзидаю изида* бирдектур – *Изингдан* айб ва *юзингдин* мадху сано деб таҳсин кўргузмаслар ва андок расму равиши *тузмасларким*:

*Юзингдин мулойим бўлуб қўй киби, изингдин бўридек эрур пардада*⁴⁰.

Бу гапда кишининг олдидаю орқасида бирдай муомала қилувчи ҳақиқий дўстлар орқадан ҳақорат қилиб юрувчи сохта ошноларга зид қўйиб таърифланганлиги учун “олд” ва “орқа” тушунчаларига алоҳида ургу берилган. Буни Оғаҳий ўзбек тилида *юзида ва изида* сўзлари билан қайтариб, саъж ясайди.

Бу сўзларни кейинги гапда ва ундан кейинг байтда такрорлаб, мазмунни яна кучайтирган. Яна бир мисол:

“*To бирасид ба канори обе, ки санг аз салобати у ба санг ҳамеомад ва ҳуруши ба фарсанг хамерафт*”⁸⁰.

“...Бир улуг сувнинг каналига еттиким салобатидин тош тошга тегар эроди ва ҳуруши бир тош, ерга етарерди”⁸¹.

Ажойиб адекват таржима! Бундан ортиқ гўзал таржима қилиш мумкин бўлмаса керак.

Таржимон форсча сўз ўйинини берадиган ўзбекча сўз ўйини (саъж шу сўз ўйини орқали тузилган) билан ағдарган. Дарҳақиқат, форсларда **سنک** (тош) сўзидан масофа бирлигини англатувчи **پک سنک فرسنک** ёки (бир тош) сўзлари ишлатилгани сингари, ўзбекларда ҳам **тош** сўзи билан ясалган масофа ўлчивини англатувчи **бир тош ёғли** ибораси мавжуд. Саъдийда ҳам Оғаҳийда ҳам бир жумла орқали тезоқар дарёning вахимали ҳолати, стихияси киши кўз олдида яққол гавдалантирилган.

Таржимон баъзан форсча матннаги саъжли сўзларнинг соф ўзбекча қофиядош эквивалентларини ҳосил қилолмагач, уни бошқа форсча сўзлар билан алмаштирганда,

⁷⁹ Фиёс ул-луғот. – Когон нашри. – Б.125-126.

⁸⁰ Ўша манба. – Б. 252.

⁸¹ گلستان سعدی. Оғаҳий таржимаси. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 899-инвентар раками остида. – Б. 98.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



кўроқ ўзбек тилига кириб бориб, лугат бойлигига айланган ва шу сабабли халқقا тушунарли бўлган сўзларни танлашга ҳаракат қилган.

Асл нусхада саъжиз бўлган бир қанча ҳикоялар эса Оғаҳий томонидан ўзбекчага саъж билан қайтарилиган.

Масалан, бир ҳикояда тасвирланишича, золим амалдор камбағаллар ўтини зўр била тортиб олиб, бойларга қиммат нарх билан сотар экан. Буни бир соҳибдил кўриб насиҳат қилганда, у эътибор бермайди. Бир куни амалдорнинг уйи ёниб кетади. у атрофдагиларга қараб: “Билмасманким, бу ўт қандай *тушиди*? Деганда, тасодифан ёғли шу ердан ўтган ҳалиги азиз: “Билгилким дарвешлар охи ўтидан бир учкун *етишиди*”, деб жавоб қайтаради.

Соҳибдилнинг жавоби золим саволига ажойиб тарзда муносиб тушган бўлиб, у ҳикоят маъносини кутилмагандан ёрқин ва таъсирчан қиласди; муаллиф ғоясини бўрттириб, таъсирчан қилиб ифодалайди. Оғаҳийда мусажжалик билан бирга соҳибдил гапининг бошланиши ҳам ҳоким гапининг аввалига мосдир. (“Билмасманким”.... “Билгилким... ”)

Янгидан ижод қилинган ва ўзбек халқ оғзаки ижодида хос насрни эслатувчи ажойиб саъжлар Оғаҳийда анчагина. Оғаҳийнинг саъжли бўлмаган матнларни мусажжалашини унинг Саъдий асарини “безази” деб қарамаслик керак. Чунки саъж “Гулистон”нинг умумий услуб хусусиятидир. Модомики шундай экан, Оғаҳий саъжлари Саъдий саъжлари қаторига қўшиладиган муаллиф услубининг умумий белгиларини акс эттирадиган баъдий восита ҳисобланади. “Гулистон”нинг ҳамма ҳикоятлари қофияли бўлмаганидек, таржимада ҳам барча ҳикоятлар ички қофияли эмас. Асл нусхада саъж билан келган анчагина ҳикоятларни Оғаҳий саъжиз таржима қилган. Бундай вақтда у ҳикоят услубининг бошқа томонларини беришга диққат қиласди.

“Гулистон”нинг 8-бобидаги насрний қисм деярли фақат ҳикматли сўзлардан иборат бўлиб, бундай жумланинг асосий хусусияти эса, худди мақол каби, фонетик оҳангдошлиқ – қофияли бўлишдир. Агар ҳикматнинг қофияси таржимада акс этмаса, у шеърни наср билан ўтиргандай, бадиий таъсирчанлиги бўшашиб фалсафий мазмуни хиралашган бўлади. Оғаҳий эса, Саъдий ҳикматларидағи саъжни ҳам саъж билан ўгириб, ўзбекча ажойиб ҳикматлар яратса олган.

Оғаҳийнинг бу муваффақияти унинг асарга моҳир ижодкор сифатида муносабатда бўлиши билан изоҳланади. Шундай принцип орқали у “Гулистон”дай услуби мураккаб бир асарнинг бошқа бадиий хусусиятларини ҳам сақлаб, ўзининг улкан шоирлик ва таржимачилик қобилиятини намоён этган.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. گلستان سعدی.. Огаҳий таржимаси. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 899-инвентар рақами остида. – Б. 32.
2. Фиёс ул лугот. – Когон нашри. – Б. 187.
3. Каримов И.А. Хива швхрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи, 1997-йил 21-октябрь сони.
4. Каримов И.А. Юқсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2009. - Б. 140.
5. Комилов Н. Шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг бадиий маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1970.
6. Огаҳий. ЎзРФА ШИ фондида 899 Инв.рақами остидаги қўлёзма.
7. Очилов Э. Хаёт йўли – Саъдий Шерозий // Маърифат ёғдуси. – Тошкент: Ҳилол нашри, 2015. – Б. 3-24.
8. Саъдий Гулустон Р.М Алимов тайёрлаган илмий-танқидий матн, 1959.-Б. 48
9. Саъдий. Гулистон / Р.М. Алиев тайёрланган танқидий матн. – Т., 2008. – В. 200.
10. Саъдий. Гулистон. – Т., 1968. – Б. 12. (Ғ. Ғулом, Ш. Шомуҳаммедов, Р. Комилловлар таржималари)
11. Ўзбек адабиёти. Мажмуя. Ўқитувчи, Т., 1997., 18 – бет.
12. Форсийдан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. – Т.: А.Қодирий ном.халқ мероси, 1993.

